

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМА № 9

Кургонтепа ш

«05» 01 2022 йил

Биз, шартнома тузувчилар «Етказиб берувчи» деб юритиладиган «KURGAN AVTO GAZ» маъсулияти чекланган жамияти номидан раҳбари М.Сатволдиев бир томондан, ҳамда бундан буён «Буюртмачи» деб юритиладиган «Фарзона ИҚТ» номидан раҳбари Ш.А.Рахимова иккинчи томондан Низомга асосланиб ушбу шартномани туздик:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1 «Етказиб берувчи» маҳсулот етказиб бериш, «Буюртмачи» эса уни қабул қилиб олиш ҳамда олинган маҳсулотлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ВА МИҚДОРИ.

№	Ўлчов бирлиги	Нархи (сўмда)	Миқдори, м3	Қиймати (сўм)
1	Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш	м/куб	2800	10000 28 000 000
2				
3				
4				
ЖАМИ				28000000

3. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

- 3.1. Шартноманинг умумий суммаси 28000000 (Икки миля саккуз мин миллион) сўмни ташкил этади.
- 3.2. «Буюртмачи» шартноманинг умумий суммасига нисбатан 100 % олдиндан тўловни шартнома имзоланган кундан 5 банк куни мобайнида «Етказиб берувчи»нинг банкидаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.
- 3.3. Умумий ҳисоб-китоб ҳар ойнинг охирида «Етказиб берувчи» томонидан тақдим этилган ҳисоб-варақ фактурага биноан кейинги ойнинг 10 кунига қадар амалга оширилади.
- 3.4. Етказиб берувчилар томонидан етказиб берилётган табиий газ маҳсулоти нархига узгартиришлар киритилиши, электр энергия қиймати ошиши ва бошқа омиллар оқибатида, газ маҳсулоти таннархи ошишига олиб келадиган ҳолатларда, харидорларга сотилаётган сиқилган газ маҳсулоти чакана нархига узгартиришлар киритилган нархда етказиб берилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. «Етказиб берувчи» ўз вақтида «Буюртмачи»нинг талабига асосан сифатли маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 4.2. «Буюртмачи» етказиб берилган маҳсулот учун кўрсатилган муддатларда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 5.1. Шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажарилишини таъминламаган тараф Ўзбекистон Республикаси ФК, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун ва бошқа амалдаги қонунлар асосида жавобгар бўлади.
- 5.2. Тарафлар енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)ни форс-мажор ҳолат деб баҳоласалар у ҳолда шу туфайли шартнома

шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар, тарафлар шартномани бекор қиладилар ёки амал қилиш муддатини узайтирадилар.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан барча низолар томонларнинг ўзаро келишувига биноан хал этилади, акс холда қонунда белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали кўриб чиқилади ва хал этилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

7.1. Шартнома имзоланган кундан кучга киради ва 2022 йил «31» декабрига қадар амалда бўлади.

7.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада ўзбек тилида тузилди ва бир нусхадан тарафларда сақланади.

7.3. Шартномага тарафларнинг ўзаро келишув баённомаси орқали қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мумкин.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОХИ ВА ТУЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«KURGAN AVTO GAZ» МЧЖ

Кургонтепа ш. Гулшан кучаси 126

Х/р: 20208000800615382001

ТИФ Миллий банк Тошкент шаҳар

Бектемир филиали

МФО: 00930 СТИР: 303919284



М. Сатволдиев


«БУЮРТМАЧИ»

«Фарзона ИСТ» МЧЖ

Х/р 20210 0000.00 845 427 001

МФО 00968 СТИР 305285089

Рахбар


М. А. Рахимов

